



Муаллиф: Абдулкарим Котиб

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Мен учун амр килинган ва менга занжирбанд бўлишим хакидаги  
хабар етиб келиб, у ижро этилишидан бир оз аввал, сизларга  
ушбу васиятни йўлламокдаман.

Men sizlar bilan yil davomida birga kolganimga karamay, oldimizdagи o'ttiz  
kun mobaynida sizlardan uzokda bulaman ...

Мени кайгуга соглан нарса, шу кунлар мобайнида менинг ўрнимга  
ўринбосар кўрмаслигим ва килган маломатларимнинг ўрни бўш  
колишидир.

Ўтган рамазон ойида нималар бўлгани сизларга маълум. Сизлар билан  
бирга сарф этганим кучларим ва кулокларингизга куйган  
фикрларимга карамай, Ер юзидағи миллионлаб одамлар масжидларга  
йўл олдилар... Мен у кунлари махбус бўлиб, газаб оловида ковурилар  
эканман, миллионлаб хотин-кизлар хижобга ўрандилар. Хусусан, бу  
ўраниш тўгри йўлини топа олмаган барча кизларда Кадр кечасида  
яккол кўринди... Мен катта гунохларнинг барчасини килдирганим  
йигитлар эса, Аллохнинг газаб оловини сўндириб, каршисида тавба  
дарвозаларини очадиган кўз ёшларини тўкди...

## Хой, инсон Шайтонлари!

Камина пахлавонингизнинг йўклигини билдираманг! Олдингизда катта  
вазифалар бор! У вазифаларни сизларга кандай буюрилган бўлса,  
шундай бажаринг!

Мен рамазон чодирларида одамларнинг тонгга кадар бедор



колишлари, нафис ифтор вактига кадар ухлашлари, ифторда эса осилиб турган коринларини бўғизларига кадар тўлдиришларидан бошка нарсани билмасликлари, сизлардан эса ойнаи жаҳон дастурларини тайёрлашингизни хоҳлайман..!

### **Хой, инсон Шайтонлари!**

Сизлар хонандалар, раккосалар ва гўзал кизлар билан мулокотлар ўюштиринг ва уларни рамазоннинг рухияти хамда унинг театр ва хаёсиз ракс сахналаридаги ахамиятлири хакида гапиришинг..!

Биз каттаю кичик барчанинг кундалик сериаллар, хафталик фильмлар ва ярим ойда бир кўйиладиган театрлар хакида гапиришларини хоҳлаймиз...!

Биз футбол мусобакалари, кўшиклар ва фазоий (йўлдош) каналларини хоҳлаймиз!.. Биз бу йўлда бирор сония бўлсада, дам олишингизни хоҳламаймиз! Зотан, вактимиз жуда кимматли ва максадларимиз пасткашлик эканини жуда яхши биласизлар!..

### **Хой, инсон Шайтонлари!**

Сизлар одамларнинг жаннатга кириб, биз жаннатнинг хидларидан хам маҳрум колишимизни хоҳлайсизларми?!..

Сизлар бир лахзалик тавба билан йиллар давомида сарф этган меҳнатларимиз зое бўлишини истайсизларми?!.. Ахир мен сизларни улардан бири Кадр кечасининг савобига эришса, ўтган ва келгуси барча гунохлари кечирилишидан огохлантирмадимми?!.. Агар бунга йўл кўйсангиз, ўрнингизга бошкаларни олиб келаман ва сизларнинг ўзингизгина зарар кўрасиз ва муваффакиятдан узок бўласиз!..



Эх, эх!

Сизлар жаханнам ва жаханнам тубида мангу коладиган бандаларни,  
Заккум дарахтини ва сакар (дўзах) «мафтунлар»ини  
хохламайсизларми?!..

Сизларнинг шайтоний аклларингизга онд ичиб сўрайманки,  
сизларнинг ўлик калбларингиз каерда?!..

### **Хой, гўзал киз!**

Сен – эркакларнинг хушини оладиган катта кучсан! Сенинг Ислом  
Уммати ичидаги катта вазифанг бор! Сенда барча саволларнинг жавоби  
мавжуд!.. Мен орзуларимни сенга боғлаганман!.. Биз сендан  
эркакларнинг майлликларини кўзгаш ва шахвоний кўринишларни,  
хуллас, ракс, қахкаха ва бедорликни талаб киламиз! Азизам, ахир  
сенинг рўздорлигинг етмаяптими?!.. Сен тарових ва кечалари ибодат  
билин бедор бўлишни бир тарафга кўй!..

### **Хой, одамлар!**

Менга кулок солинг, менинг сўзларим насиҳат, холос!...

Рамазонда барча лаззатли ва гўзал нарсаларга эътибор беринг!

Аллоҳ учун намоз ўкишни унутинг! Чунки жаханнамга  
кирадиганларнинг мантиқида Аллоҳ учун намоз ўкиш катта  
гунохдир!!..

Куръон оятларини ўқиманглар-да, Гафуур-Рахийм (кечирувчи ва  
рахмли) Аллоҳ учун тавба килиб кўяверинглар! Чунки, рамазон хали



такрор-такрор келаверади!.. Хозир эса вактингизни зое килмай Жорж Буш ва Бинямин Нетаняхога сажда килинглар! У иккисига барча Иблисларнинг раҳмати бўлсин!

### **Имзо: Лаънатланган Ибليس**

#### **Илова**

Балки, Ибليسнинг юкоридаги сўзларидан кимлардир мийигида кулган, кимлардир йиглаган ва кимлардир хеч нарса тушунмагандир. Бирок, шу нарса хакикатки, ушбу маколани ўқиган баъзи одамлар устидан Шайтон кулади ва йиллар давомида бўлганидек, бу йил хам уларнинг рамазон ойларини зое килдиради...

Зотан, куйидаги сўзларни айтган Аллоҳ ўта хаклидир:

**«Одамларга хисоб берадиган вактлари якинлашди, бирок, улар хануз гафлатдадирлар... Роббиларидан баён килувчи эслатма келса, унга эътиборсиз (ўйинга берилиб) кулок соладилар».**

Рамазонингиз муборак бўлсин!